

**АЛЬБЕР КАМЮ ВА АБСУРД ФАЛСАФАСИ**

**Алиева Мехриноза,**

АндГУ докторанти

**АЛЬБЕР КАМЮ И ФИЛОСОФИЯ АБСУРДА**

**Алиева Мехриноза,**

докторант АндГУ

**ALBER KAMYU AND THE PHILOSOPHY OF THE ABSURD**

**Alieva Mehrinoza,**

Doctoral Student of AndSU

**Аннотация**

Ушбу мақолада бир неча минг йиллик тарихга эга “Сизиф ҳақида миф” да талқин этилган ва бугунги кунгача талқин ва таҳлил, ҳамда муҳокама этилаётган абсурд фалсафаси ҳақида сўз кетади. Инсон ҳаёти шунчалар муаммоли экан-ки, абадул-абад у курашиб яшайди ва санъатнинг бирон тури орқали тасвирланади, жонлантирилади. Ҳар бир давр ўз адабиётини яратади, ҳар бир асар ижодкор бадиий методини намоён қиласди, шундай қилиб замон ва макон фалсафаси яратилади. XX асрда турли хил қарашлар, таълимотлар яратилди, дунёқарашлар шаклланди, турли хил концепцияларни намоён килган романлар яратилди, ва улар қаторида юзага келган абсурд фалсафаси инъикос этилган абсурд асарлар инсон муаммоларини талқин этди. Яшаш учун кураш фалсафаси абсурд мисолида таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** абсурд, миф, абсурд фалсафаси, сўз санъати, жамият бадиий-эстетик тафаккури, эссе, фалсафий роман

**Аннотация**

В данной статье речь идет о толковании и анализе мифа о Сизифе, история которого насчитывает несколько тысячелетий, и обсуждаемой до сих пор абсурдной философии. Человеческая жизнь настолько проблематична, что она вечно борется, изображается и оживляется с помощью той или иной формы искусства. Каждый период создает свою литературу, каждое произведение демонстрирует творческий художественный метод, тем самым создавая философию времени и пространства. В XX веке формировались разные взгляды, учения, формировались мировоззрения, создавались романы, отражавшие разные концепции, а абсурдные произведения, отражавшие возникшую в их среде абсурдную философию, интерпретировали человеческие проблемы. Философия борьбы за выживание была проанализирована на абсурдном примере.

**Ключевые слова:** абсурд, миф, философия абсурда, искусство слова, художественно-эстетическое мышление общества, эссе, философский роман.

**Annotation**

This article deals with the interpretation and analysis of the myth of Sisyphus, whose history spans several millennia, and the absurd philosophy discussed so far. Human life is so problematic that it is forever battling, portrayed and animated by some form of art or another. Each period creates its own literature, each work demonstrates a creative artistic method, thereby creating a philosophy of time and space. In the twentieth

century, different views, teachings, worldviews were formed, novels were created that reflected different concepts, and absurd works that reflected the absurd philosophy that arose in their environment interpreted human problems. The philosophy of the struggle for survival has been analyzed with an absurd example.

**Keywords:** absurdity, myth, philosophy of absurdity, art of the word, artistic and aesthetic thinking of society, essay, philosophical novel.

Инсоният яралибди-ки, ўз хаёлларини, ҳоҳиш-истакларини қандайдир йўл билан ифодалагиси, ёки ким биландир бўлишгиси келади. Одатда бундай инсонлар ёлғиз қолишни, ўз хаёлот оламида ўзга бир оламни яратишни ҳоҳлайди. Шундай қилиб инсоният тарихида алоҳида истеъоддога эга инсонлар санъат деб аталмиш буюк мўъжизани ярата бошлади. Шу тариқа тошлардаги суратлару битиклар, пергаментдаги ёзувлар пайдо бўлди. Инсон онги ривожлана боргани сари у яратадиган санъатлар ҳам такомиллаша борди ва турларга ажради, инсоннинг табиатга муносабати сифатида рақс санъати, сурат чизиш, ҳайкалшунослик... ва бошқа санъат турлари юзага келди. Бадиий ижод – сўз санъати сифатида барча санъат турларини ифодалай оладиган, замонавий фан тилида экфрасис деб аталадиган талқин имконига эга илоҳий бадиий тафаккур инъикоси сифатида яратила бошлади.

Бадиий ижод сўз санъати сифатида жамият бадиий-эстетик тафаккурини шакллантирад экан, ижодкорлар нафақат йиллар оша, балки асрлар давомида такомил сари интилдилар. Аҳамиятга молик жиҳати шунда-ки, инсон ўзи ҳоҳлаган мақсад сари интилгани ва эришгани сари янгидан-янги муаммолар келиб чиқа бошлади. Гўё-ки, олисдан кўринган, товланган, турланган чўққи тобора осмон сари – чексизлик сари юксала борди.

Гўё-ки бадиий ижод инсоннинг мавжуд муаммоларини ҳал қиласи. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир ёзувчи шахс муаммолари бадиий талқини орқали башарият муаммоларига мурожаат этади. Қандай ҳал этиш керак? - деган савол ҳар бир инсон олдида туради. Бу савол ечимини ижодкор асардаги концептуал образларга юклайди. Ҳар бир давр ўз адабиётини яратади, ҳар бир асар ижодкор бадиий методини намоён қиласи, шундай қилиб замон ва макон фалсафаси яратилади. XX асрда турли хил қарашлар, таълимотлар яратилди, дунёқарашлар шаклланди, турли хил концепцияларни намоён қилган романлар яратилди, ва улар қаторида абсурд фалсафаси инъикос этилган абсурд асарлар юзага келди.

Хўш, абсурд ўзи нима, ёхуд абсурд фалсафасининг моҳияти нимада эди?

Абсурд муаммоси ўзбек адабиётшунослигига ҳали тўлиқ ўрганилмаган муаммолардан, шу билан бирга адабиётшунос олим Й. Солижонов таъкидлагандик “Абсурд атамаси шу пайтгача адабиётшуносликка оид кўпчилик луғатларга киритилмаган”.<sup>1</sup> Адабиётшуноснинг “турли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, илмий савияси жиҳатдан бир-биридан фарқланадиган мақолаларни ўқиб, абсурд ҳақиқатан ҳам маънисизлик экан-да, деган хаёлга келиш мумкин. Ундаи бўлса, адабиётнинг маънисизликни тарғиб қилишидан мурод нима? Ахир ҳар қандай адабий асар инсонни ҳаётдан завқланишга, лаззат олишга, маълум мақсад билан яшашга ва унга эришиш учун курашга ундейди-ку! Агар абсурд ҳаётда яшашнинг маънисизлигини, турмушнинг тутуриқсизлигини тарғиб қиладиган бўлса, унинг инсониятга нима кераги бор?”, - риторик саволларига Камюнинг фалсафий қарашларини инъикос этган бадиий ижодидан излаймиз.

Аслида бизни ҳам абсурд моҳиятини англашга ундан манба ўзбек ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романидир. Биз романни мутолаа этар эканмиз, тафаккуран Албер Камюнинг “Сизиф ҳақидаги афсона” эссеси ва унинг асоси қадимги юнонларнинг “Сизиф

<sup>1</sup> Солижонов Й. Сизиф ва абсурд. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2010 йил, 1-сон. <https://ziyouz.uz/ilma-fan/adabiyot/j-lidosh-solizhonov-sizif-va-absurd/>

ҳақидаги афсона”си билан солишири бошлаймиз. Қадимги юонларнинг Сизиф ҳақидаги афсонаси халқ ижодий тафаккурининг дурданаси бўлиб, худоларга баний инсон томонидан “мен”лигини ҳам руҳан, ҳам жисмонан англатиш йўлидаги кураш инъикоси, десак адашмаймиз.

Биз абсурд фалсафаси юзага келиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг илдизлари гарб экзистенциализмига бориб тақалишига амин бўламиз. Ж.П. Сартр, С.Кьеркегор, Л.Шестов, М.Хайдеггер ва К.Ясперснинг шахс индивидуаллиги ва бетакрорлигини тарғиб этувчи экзистенциализм фалсафасининг бир соҳаси сифатида юзага келган абсурд фалсафаси нафақат гарб оламини, гарб кишисини ислоҳ қилди, балки ғоялари етиб борган ҳар бир миллатни уйлашга мажбур қилди, ва ўша адабиётда илдиз отди.

Қаранг-ки, минг йиллар оралиғида инсоният, ривожланган бир макон ва замонда (биз XX аср воқелиги ва тараққиётини назарда тутяпмиз), инсон ўз замони ва макони силсиларига жавоб топиш учун антик даврга мурожаат этса?! 1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бутун Европа уруш алангаси ичидаги қолди. 1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси сабиқ Совет Иттифоқига уруш очди. Худди шу йили француз ёзувчиси А.Камю “Сизиф ҳақидаги афсона” эссеини яратди ва 1942 йилда чоп этириди.

Хўш, Альбер Камю ўзи ким? Адабий давраларда, файласуфлар оламида, зукко китобхонлар баҳсларида тез-тез номи тилга олинадиган бу инсон ким ўзи?

“Альбер Камюнинг фалсафий қарашлари хусусида фикр юритадиган бўлсак, - деб ёзади адабиётшунос М. Холбеков, - у ҳеч қачон ўзини донишманд файласуф, устига устак экзистенциализм тарафдори деб ҳисобламаганлигининг шоҳиди бўламиз. Нима бўлганда ҳам, экзистенциализм фалсафаси Камю ижодига таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Айни пайтда, унинг экзистенциализм руҳидаги масалаларга шуурли ва ғайришуурӣ равишда мойиллиги, энг муҳими, болалигидан давосиз хасталикка ҷалинганилиги (ўлим яқинлигини доимо ҳис этиб яшаш) ва касаллик билан олишиб ижод қилиш экзистенциализмга яқин ғоя ва фикрларни илгари сурғанилигини, қисман бўлса-да, изоҳлайди”.<sup>2</sup>

Альбер Камю 1913 йилнинг 7 нояброда Жазоирда яшовчи кунини амал-тақал кўрадиган қашшоқ француз оиласида дунёга келади. У бир ёшда эканлигига Марнадаги жангда оғир жароҳат олган отаси госпиталда вафот этган. Оилани боқиши учун онаси бой хонадонларда уй хизматчиси бўлиб ишлайди. Альбер Камю аввал мактабда, сўнг эса лицейда аъло баҳоларга ўқиди.

Аммо ҳаётнинг навбатдаги зарбаси – сил касаллиги билан бетобланган Альбер Камю бир умр унинг азобини чекди.

Ўзининг мушоҳадакорлиги билан Альбер Камю фалсафа фанига қизиқиб қолади. 1932-1937 йиллар давомида Камю Жазоир университетининг фалсафа факультетида таҳсил олди. Бу йилларда у Андре Жид, Ф.М. Достоевский, Ф. Ницше асарларини катта қизиқиши билан мутолаа қилади. Бадий тафаккур фалсафаси, ёзувчи эстетик тафаккурининг шаклланиш омиллари каби масалалар унда катта қизиқиши ўйғотади. 1935 йилда театр ташкил этади, 1937 ва 1939 йилларда унинг дастлабки иккита лирик эссеи босиб чиқарилган. 1940 йил баҳорда Камю Парижга келади ва йирик газеталардан бирида ишлай бошлайди, фашистларга қарши харакатларда ҳам фаол қатнашади.

Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида миф” эссеи абсурд фалсафасининг дастурий асари ҳисобланади.<sup>3</sup> Альбер Камю “Сизиф ҳақида миф”<sup>4</sup> эссеининг биринчи қисмини 1940 йилнинг май-сентябрь ойларида ёзади, 1941 йилнинг февраль ойида эссеини ёзиб тугатади. Асар 1942 йилнинг декабрида А.

<sup>2</sup> Холбеков М.Н. Экзистенциализм: Альбер Камю. // “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 11-сон. МуаллифZiyouz.uz. 17.10.2018.

<sup>3</sup> Норин А. В. Философия абсурда Альбера Камю в свете теории этногенеза Л. Н. Гумилёва // Материалы международной конференции, посвященной 90-летию Л. Н. Гумилёва “Учение Л. Н. Гумилёва и современность”. — СПб. — Т. 2.

<sup>4</sup> Камю А. Камю «Бунтующий человек». — М.: Политиздат, 1990. — ISBN 5-250-01279-5.

Малъро ва Р. Мартен дю Гара раҳнамолигида “Галлимер” нашриётида чоп этилади. “Достоевский ва ўз жонига қасд қилиш” боби асарнинг 1945 йилда чоп этилган биринчи икки нашрида Илова тарзида келган бўлса, кейин асосий матнга киритилди. “Умид ва Франц Кавка ижодида абсурд” деб номланган Илова илк бор 1943 йилда “Арбалет” журналида чоп этилган эди, “Сизиф ҳақида миф” эссесининг 1948 йилги нашрида асарга Илова сифатида тақдим этилган.<sup>5</sup>

Эссе тўрт боб ва иловадан иборат бўлиб, Альбер Камюнинг дўсти Паскаль Пиага бағишланган эди. Альбер Камю 1930-йилларда Паскаль Пиа ташкил қилган “Алжир Республикаси”, сўнг эса “Комба” газетасида фаолият олиб борди.

Альбер Камю ҳаётини, унинг ижодини ўрганган одам беихтиёр ҳайратга тушади. Мунтазам қашшоқлик, bemorlik, йўқчилик ёзувчига ҳаёт тўғрисидага ўз фалсафасини яратишга йўл очди. Камю яратган ҳар бир асарда – ҳоҳ у қисса бўлсин, ҳоҳ у роман, ҳоҳ у маъруза бўлсин, ҳоҳ у эссе, ҳатто кундалик ва ён дафтардаги ёзувларда айнан Альбер Камю фалсафаси бўй кўрсатиб турарди.

Уруш – йўқлик демакдир. Уруш асорати йилларга, асрларга татийди. Ўта оғир шароитда ва муттасил қасаллиқда Альбер Камю ҳаётнинг қадрини англайди, “абсурд” – бу тамоман маънисизлик, бехудага уриниш дегани эмас, шу қийин шароитда ҳам яшаш учун курашиш, мақсад сари интилиш ва умид қилиш эканлигига ўзи ишонади ва Сизиф орқали китобхонини ишонтиради. “Адибнинг ушбу асари яратилган давридаёқ машҳурликнинг шоҳсупасидан жой олган ва ҳанузгача ўша мавқенини сақлаб келаётир. Иккинчи жаҳон урушининг авжи қизиган йилларида босилиб чиқан бу асар (“Сизиф ҳақидаги миф”) (1942) фашист босқинчиларига қарши курашга чақириқ, исён сифатида қабул килинган, - дея таъкидлайди Й. Солижонов.<sup>6</sup>

1951 йилда “Либертер” журналида чоп этилган “Исёнкор одам” эссесида Альбер Камю инсонни куршаб турган муҳитнинг, у кечираётган ҳаётнинг абсурд (маъносиз)лиги ғояси анатомиясини тавсифлашга ҳаракат қиласи. Ёзувчининг бу ғоясига сўл танқидчилар, ҳатто, Ж.П. Сартр ҳам қарши чиққан эди.

Таажжуб, Альбер Камю фалсафаси Ислом фалсафасиги жуда яқин ва ҳамоҳанг. Ҳатто абсурд фалсафасининг ислом дини рукнларига яқинлигини Й. Солижонов ҳам инсоният ҳаётнинг икки босқичидан (тириклик ва ўлимдан кейин – Й.С.) келиб чиқадиган бу холоса абсурд фалсафасининг ислом дини қоидалари ва шартларига ҳам яқин келишини кўрсатади, - дея изоҳлайди.

“Абсурд” атамаси ўзбек тилида кўплар томонидан “бемаънилик” шаклида кўлланган. Ҳатто-ки бирон ишнинг амалга ошишига ишонишмаса “Абсурд!” деб қўйишади. Альбер Камю қўллаган абсурдда эса, бизнинг-ча, “маънисизлик” шаклида абсурд моҳияти кенгроқ очилади. Эътибор берайлик, , “Сизиф ҳақида миф” да худолар қаҳрига йўлиқкан Сизиф мислсиз катта тошни минг азоб билан тоф тепасига думалатиб олиб чиқади. Энди етдим деганда... тош пастга думалаб кетади. У ҳар қанча қийналмасин, ўзининг ҳаракатларидан, шижаотидан таскин топа бошлайди. Улкан қоятошни юқорига олиб чиққан сари ўзига бўлган ишончи Сизифда ортиб боради. Ўзига берилган жазони Сизиф имконият деб қабул қиласи ва бора-бора ўзидан қоникиш ҳосил бўла боради.

Альбер Камю буткул қийинчиликлардан иборат шу маънисиз ҳаётда яшаш шартми деган саволга ижобий жавоб бериш учун ўзида куч топади ва ҳаёт “Аллоҳнинг измида” деган фалсафий холосага келади. Талабалик йилларида улуг рус ёзувчиси Ф.М. Достоевский ижодини ўргангани беиз кетмайди.

<sup>5</sup> Руткевич А. М. Примечания к «Мифу о Сизифе» // Камю «Бунтующий человек». — М.: Политиздат, 1990. — С. 379—384. — ISBN 5-250-01279-5.

<sup>6</sup> Солижонов Й. Сизиф ва абсурд. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2010 йил, 1-сон. <https://ziyoruz.uz/ilm-fan/adabiyot/j-l-dosh-solizhonov-sizif-va-absurd/>

Камюнинг диний-фалсафий қарашларида, бадиий-эссеистик тафаккурида рус ёзувчининг таъсири сезилиб турди. 1935 йилда илк даъфа француз тилида Ф.М. Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар” романини саҳналаштиради. Камюнинг ўзи Иван Карамазов ролини ижро этади.

Альбер Камю “Бегона”, “Таназзул” каби қиссалари, “Ўлат”, “Бахтли ўлим” романлари, “Калигула”, “Қамал ҳолати”, “Мавҳумлик” – каби пьесалари, “Сизиф ҳақида миф”, “Асотир ва қиёфа”, “Никох”, “Немис дўстга мактуб”, “Исёнкор одам”, “Таъқиб ва салтанат”, “Ижод ва эркинлик” каби эсселари билан Европа бадиий тафаккурини бойитган ва уни янги босқичга қўтарган XX асрнинг забардаст адиби. У адабиёт соҳасидаги хизматлари учун 1957 йили Нобель мукофоти соҳиби бўлган.

Альбер Камю жаҳон адабиёти солномасини санъатнинг азалий, демакким, даврлар ўтса ҳам эскирмайдиган муаммолари қамраб олган ўз асарлари билан бойитди. Испан файласуфи Хосе Орtega-и-Гассет фалсафасини намон қилган эсселари қанчалар бетакрор бўлса, Альбер Камю эсселари ҳам ёзувчи концептуал ғояларини ёритиб беришга хизмат қилган, айнан мана шу фалсафий-бадиий эсселар учун замондошлари уни ҳақли равишда “Европа виждони” деб аташган.

“Экзистенциализмнинг йирик намояндалари – “диний экзистенциализм” пешвоси, немис файласуфи К. Ясперс (1883-1969), “атеистик экзистенциализм” раҳнамоси, француз файласуфи Ж.П. Сартрдан фарқли ўлароқ, Камю абсурд билан курашнинг ягона йўли унинг борлигини, у мавжуд эканлигини тан олиш деб ҳисоблаган. Камю яратган қаҳрамонлар бу ҳолатга тааллукли бўлмаган, тақдир тақозоси билан вужудга келган мураккаб ахвол, оғир шароит, мушкул вазият (хаётга таҳдид, яқинларининг вафоти, виждон азоби ва ҳоказо) таъсири остида руҳнинг, қалбнинг ана шундай ҳолат, кайфиятга келганликларига қарамасдан, уларнинг кейинги тақдирни мутлақо ҳар хил.<sup>7</sup>

“Абсурд” фалсафаси, тан олиш керак, ўз жозибаси билан кўпчиликни –китобхонларни, ёзувчиларни, адабиётшуносларни ўзига жалб этади. Ўзбек адабиётида ҳам камюшунос адабиётшунослар анчагина. Б. Саримсоқов, М. Холбеков, Й. Солижонов, А. Отабоев, А. Эркаев, М. Асадов каби кўплаб адабиётшунослар ўз тадқиқотларида “абсурд” тушунчасини турли хил нуқтаи назардан таҳлил этишади. Замонавий ўзбек адабиётининг забардаст ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммад эса “Донишманд Сизиф” фалсафий романини яратади.

Эътибор берсак, қадимги юононлар “Сизиф ҳақида” миф яратди, француз фалсафий ёзувчиси Альбер Камю “Сизиф ҳақида миф” эссеини XX асрнинг 40-йилларида адабиётга тақдим этди, XXI асрнинг бошларида (2016 й.) ўзбек ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммад “Донишманд Сизиф” фалсафий романини чоп этди. Биз ўрганганд Альбер Камю ижодига берилган нисбатлардан М. Асадовнинг “Сўз санъати” ҳалқаро журналинин 2020 йил 3-жилд 2-сонида чоп этилган “Альбер Камю ва Хуршид Дўстмуҳаммад прозасида абсурд қаҳрамон муаммоси” деб номланган илмий мақоласи ўзининг илмий-қиёсий характерга эга эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мифдан эссега, эсседан романга қадар шаклланган мавзу уч адабий жараённи қамраб олган. Эътиборли жиҳати шундаки, қадимий юононларнинг “Сизиф ҳақида” мифи Альбер Камю томонидан “Сизиф ҳақида миф”ида трансформация қилинди, Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида миф” эссеси ўзбек ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” фалсафий романида репрезентация қилинди. Шу уч асар транскультурациянинг ёрқин намунаси десак адашмаймиз. М. Асадовнинг “Альбер Камю ва Хуршид Дўстмуҳаммад прозасида абсурд қаҳрамон муаммоси” илмий мақоласи “Донишманд Сизиф” фалсафий романи моҳиятини очиб беришга муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Инсон яралибдики, у Буюк Яратганинг синовида. Бу синовни мардона қўтарганга Аллоҳ чиройли ажримини беради. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” фалсафий романида Сизиф

<sup>7</sup> Холбеков М.Н. Экзистенциализм: Альбер Камю. // “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 11-сон. МуаллифZiyouz.uz. 17.10.2018.

образи репрезентациясини амалга оширишда ёзувчи бадиий маҳорати ўзбекчилик муносабатлари паремалар ёрдамида шундай намоён бўлади-ки, баъзан “Сизиф аслида ўзбекмикан”, деб ўйлаб қоласан.

Тақдири азал, Альбер Камю 1960 йил 4 январда рождество кунларидан кейин Парижга келаётib йўлда 47 ёшида автомобиль ҳалокатидан фожеали вафот этади. Қисқа умр кўришига қарамай ёзувчи ўзидан ўлмас асарлар қолдирди. Жаҳон адабиёти солномасида алоҳида “Альбер Камю” сарлавҳаси очилди. Ўзига хос, мураккаб бўлган “Абсурд фалсафаси” моҳиятини ҳам эсселари орқали, ҳам назарий жиҳатдан асослаб берди. Инсоният то-абад Сизиф бўлиб ўзини англашга, ўзини англатишга интилиб, курашиб яшайди. Шунинг ўзи Альбер Камю номини, унинг фалсафасини, бадиий ижодини абадиятга муҳрлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Асадов М. “Альбер Камю ва Хуршид Дўстмуҳаммад прозасида абсурд қаҳрамон муаммоси”. // - Тошкент, Сўз санъати, 2020. №3. – 117-127 б.
2. Камю А. Камю «Бунтующий человек». — М.: Политиздат, 1990. — ISBN 5-250-01279-5.
3. Норин А. В. Философия абсурда Альбера Камю в свете теории этногенеза Л. Н. Гумилёва // Материалы международной конференции, посвященной 90-летию Л. Н. Гумилёва “Учение Л. Н. Гумилёва и современность”. — СПб. — Т. 2.
4. Руткевич А. М. Примечания к «Мифу о Сизифе» // Камю «Бунтующий человек». — М.: Политиздат, 1990. — С. 379—384. — ISBN 5-250-01279-5.
5. Саримсоқов Б. Абсурд маънисизлиkdir. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2002. № 27. 01.07.2013. Муаллиф. Ziyouz.uz
6. Солижонов Й. Сизиф ва абсурд. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2010 йил, 1-сон. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/j-lidosh-solizhonov-sizif-va-absurd/>
7. Холбеков М.Н. Экзистенциализм: Альбер Камю. // “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 11-сон. Муаллиф.Ziyouz.uz. 17.10.2018.
8. Faуров О. Маънавий олам мусаввири.